



белгиланган мuddатда ўқиб кетадиган маскан деб тушуниш ва ўз ишини шунга монанд ташкил этиш зарарли, — деди она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Хақима Асомова. — Ҳар қалай, биз бундай ақидани буза олди. Коллеж талаба учун ўз хонадонини синга-ри азиз, қадри бўлиши керак. Лекин бу осон эмас. Бунинг учун қаттиқ ишлашнинг, изланишнинг керак.

Коллеж раҳбарияти бутун ўқитувчилар жамоасини шу йўлга бошлади. Аввало, ҳам ўқитувчининг, ҳам талабанинг юриш-туриш тартиби, бурч ва вазифалари белгилаб чиқилди. Бунинг яқини сифатида шуни айтиш керакки, бугун коллежда тартиб-интизом қаттиқ. Чекиш, ичиш ҳоллари бир чеккада тураверсинда, болалар орасида урф бўлган са-

герби ва мадҳияси таъсис қилинган, мадҳия ҳафтада тўрт бора эрта тонг маҳали иқро этилиши, ҳатто ўқитувчилар талабалар байроқ тусидаги галустак тақиб юришларининг ҳам аҳамияти беқисс. Мадҳияни ўқитувчи Фуркат Нуриддинов ёзган.

Шу изланиш руҳи коллежда тартиб-интизом қаттиқ тус олишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун коллеж ҳовлисида, йўлақларда шунчаки сандирақлаб юрган одамни учратмайсиз. Ота-оналар, турли идоралар ўзларига керакли барча маълумотларни коллежнинг ахборот марказидан олишлари мумкин. У компьютерлашган. Ички телефон станцияси, радио тармоғи шу ердан бошқарилади. Ота-она истаган пайти ахборот марказига қўнғироқ қилиб, ўз фарзандининг бутун «кир-

бориш ва уларда ўз устларида изчил ишлаш эҳтиёжини қучайтириш йўлларидан борилди. Чунки, коллежда илмий-амалий ва услубий ишлар чинакамга жонлантирилди. Шу мақсадда Тошкент Давлат педагогика университети билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Биргаликда уч марта семинар, икки марта илмий-амалий конференция ўтказилди. Уларда ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам жиддий маърузалар билан чиқишлари одат бўлиб қолди. Бунинг учун эса, табиийки, «китоб тилида», ўқилади, ўрганилади, мулоҳаза қилинади. Шу жараёнда янги-янги гоёлар туғулади.

Таблим даражасини ошириш учун коллежда барча шароитлар етарли. Ўқув хоналари мукамал жиҳозланган, талабалар иккита



«ЭКОСАН»ДА НИШОНЛАДИЛАР

«Экосан» халқаро ташкилоти Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами муносабати билан «Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофазат қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусида учрашув ўтказди.

Унда Олий Мажлис депутatlари, вазирлик ва идоралар, дипломатик корпус, «Экосан», Журналистлар ижодий уюшмаси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувда инсон саломатлиги муҳофазасининг муҳим масалалари, ривожланишга салбий таъсир кўрсатувчи экологик муаммоларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритилишининг аҳамияти, экологик барқарорликни таъминлаш, аҳолининг экологик билим ва маданиятини юксалтириш, табиатни муҳофазат қилиш хусусидаги қонунларни тарғиб қилиш ҳамда кенг жамоатчиликнинг афроф-муҳит муҳофазасига жалб этишда қаламкашларнинг роли, экологик журналистиканинг алоҳида жиҳатлари ва муаммолари борасида фикр алмашилди.

Учрашув якунида атроф-муҳит, инсон саломатлиги ва барқарор ривожланиш масалаларини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб келаятган бир қатор журналистларга касб байрами муносабати билан «Экосан» ташкилоти ҳамда Озарбайжон, Россия, Саудия Арабистони, Малайзия давлатларининг ўзбекистондаги элчихоналари, «Sunluck», «Лукойл» компаниялари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Геология қўмиталарининг эсдалик ва қимматбахо совғалари топширилди.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

МАРОҚЛИ ТАДБИРЛАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқоричиқ туман кенгаши ҳамда унинг ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти томонидан ёзи таътил мавсумини дам олишларини таъминлаш ва ёзи оромгоҳларида турли маънавий, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мақтаблар қошида очилган кундузги соғломлаштириш оромгоҳларида «Кувнок» мусобақаси, «Хар доим бўлсин қуёш» мавзусида расмлар кўриқ-танлови, «Камолот» ва «Камалак» бизга буюк келажак мавзусида тренинг, «Камалак» қандай ташкилот? мавзусида савол-жавоб кечаси, «Йул қондаси», «Енги хавфсизлиги» мавзуларида расмлар кўриқ-танлови, «Ватан», «Тинчлик», «Дўстлик» мавзуларида шеърхонлик кечаси ва бошқа тадбирлар ташкил этилмоқда. Уларда жами 200 нафардан зиёд болажонлар фаол иштирок эттиди. Ғолиб болажонларга унинг ташкилотчилари ва ҳомийлари томонидан совғалар топширилди.

Оромгоҳларда тикувчилик, кулолчилик, рассомчилик, журналистика тўғрисидаги ҳам ишлар турибди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ОЗОД ВАТАН ИЧРА НУРЛИ БИР МАКОН

да таълим олган доврқли ишчи сулоалари вакиллари меҳнат қилмоқда.

Лекин мустақилликка эришилгач, касб-хунар таълимида «оҳанг» мутлақо ўзгарди. Таълим-тарбия жараёнига миллий қадриятларимиз, халқимизнинг азалий анъаналарини синдириш амалий тус олди, касб-хунар таълимининг маънавий-ахлоқий тарбия билан уйғунлаштириш учун кўп иш қилинди.

— Биз бу борадаги изланишларни давом эттириб, кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадларини мукамал бажариш омилиларини намоён этиб бормоқдамиз, — дейди коллеж директори Сайдиқарим Раҳмонбердиев. — Тўғри, коллежнинг вазифаси касб бериш. Лекин ўсмир ўзи танлаган замонавий касбини мукамал эгалласа-ю, меҳнатта муҳаббат қалбига уруқ ташламаса-чи?

Бундай муҳаббат оила олдидоги бурчи, Ватан туйғуси билан уйғунлашмаган бўлса, нима дейсиз? Буларни шунчаки бир мулоҳаза деб ўйлаган киши янглишади. Бундай янглишиш оқибатлари, агар у касб-хунар таълимига дахлдор бўлса, ўн чандон оғир бўлиб чиқади.

Бу — нуқтаи назар, дунёқараш, маслак. Педагогик жамоада каттаю кичик уни қабул қилган, унга амал қилгани — барча сый-ҳаракатларини касб-хунар таълимининг маънавий тарбия билан уйғунлаштиришга, ҳар бир талаба ўзи вояга етган хонадон анъаналарини шу азиз тулқунни эъзозлаш туйғуси билан уйғунлаштириб, гўзал яшаш орсусини қалбига жойлашга бўйсундиради. Коллежда таълим-тарбиядаги бундай уйғунлаштиришнинг омилилари, воситалари мукамал шакллантирилган.

— Коллежни болалар келиб, айтилик,

(Давоми. Боши 1-бетда).

қич чайнаш, писта чақиб юриш йўқ. Ўқишга кечикиш, дарс қолдириш — фақуллода ҳолат.

Хикоя: «Талабаларимиздан бири ички тартиб-қоидаларни менсимайди. Ўқишга кечикиб келар, истаса машғулотлардан чиқиб кетаверар ёки ўқишга мутлақо келмай қўя қоларди. Отаси катта амалдор эди. Лекин бу болани коллеждан ҳайдаш ҳақида буйруқ чиқишини тўхта олмайди. Албатта, амалдор ота дўх-пўлига ҳам қилди. Лекин буйруқ — буйруқлигига қолди».

Талабаларда ўз ўқув масканлари билан фахрланиш, унинг анъаналарига садоқат руҳини тарбиялаш мақсадида коллеж байроғи,

дикорларидан хабар топиши мумкин.

Маълумотомадан: «Коллежда 45 ўқитувчи, шу жумладан, уч таълим алоқачиси, икки доцент, ўн олий, саккиз биринчи тоифали мутахассис талабалар билан машғулот олиб боради».

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури педагог-ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклатди. Очиги, у қабул қилиниб, белгилаган вазифаларни амалга оширишга киришилганида, уларнинг ҳаммаларида ҳам малака, замонавий билим ва ўқитиш тажрибаси етарли эмасди. Бу ҳолатни бартараф этиш учун ўқитувчилар малакасини мақсадли ошириб

компьютер хонасида машғулот ўтказишди, коллеж Интернет тармоғига уланган. Ёшлар маркази ташкил қилинган, талабалар ўз телестудиялари ва радиостанцияларига эга. 30 ўринли киратхонанинг 8766 донга китоб жамланмаси бор. Ёш компьютерчилар, ёш банкчилар, инглиз тили сингари ўн та тўғрақ доимий ҳаракатда.

Буларнинг барчаси талабаларнинг ҳар томонлама етук, маънавий баркамол, ўз касбини севган малакали мутахассис бўлиб етиштирилишига ҳизмат қилади.

«Меҳнатни шарафлаш кунлари»ни ўтказиш яқин анъанага айланди. Шу кунни махсус буйруқ билан таълим-тарбия соҳасидаги ютуқлари учун энг муносиблар «Меҳнатни шарафлаш китоби»га киритилади. Ҳозирча унга ўқитувчилардан Хақима Асомова, Рохия Жуғуловна, талабалардан Зилола Шарипова, Дурдона Халимова, Арофат Дадажоноваларнинг номлари киритилган.

Хуллас, бу коллежда талабаларни шахс сифатида шакллантирувчи анъаналар оз эмас. «Саломатлик кун»и спартакиада, югурувчилар кунини сингари тадбирлар ҳамма учун бирдек байрамга айланган кетди.

Энг асосийси, талаба фикрловчи, интилувчан бўлиб камол топсин. Улар турли мавзуларда иншоолар ёзиши, ҳатто, илмий-амалий конференцияларда маърузалар билан чиқишлари ҳам шу мақсадга ҳизмат қилади. Чунки, 2-бошланғич таълим гуруҳининг талабаси Ҳамрогул Тўхтаева «Боғча-мактаб-коллеж» мажмуаси ҳамкорлиги меннинг тасаввуримда мавзусидаги иншоода: «Боғча-мактаб-коллеж ўртасидаги узвий боғлиқликларни амалиётда чуқур қилдик. Унинг яқинлиги бола ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, уни таълимда мунтазамликка тайёрлайди. Боғча-мактаб-коллеж

Фалла — 2005

ТАДБИРКОР УЧУН ҚУЛАЙЛИК ВА ЕНГИЛЛИКЛАР

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш хусусида тўхталиб, эркин тадбиркорлик фаолияти учун кафолатларни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд тўғрисидаги бартараф этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни қучайтириш тўғрисида»ги қарори айна шу мақсадларга ҳизмат қилади.

Давлат Солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев ишти-

роқида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам Президент Фармонлари ва Қарорларини мухияти чуқур таҳлил этилди. Тадбир давомида журналистлар янги қабул қилинган Фармон юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва талабларини тадбиркорлар ўртасида чуқур тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Анжуманда мажур йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутиши таъкидланди. Шу боис солиқ хизмати органлари ва журналистларнинг бу борадаги ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Равшан ЕҚУБЖОНОВ.

Оқилона амалга оширилган чора-тадбирлар ўз самарасини берди. Давлатга 15170 тонна дон топширилиб, шартнома режаси барвақт адо этилди. Оқунбобоев номли, «Чиноз», «Ўзбекистон», «Гулзоробод» ширкат хўжаликлари туман галлакорларининг муваффақиятига салмоқли хисса қўшди. Бу хўжалиklar умумий хирмонга 1000-1700 тоннадан сифати дон тўқди.

Туман фермер хўжаликлари шу кунгача давлатга 5570 тоннадан зиёд дон топшириб, дастлабки ютуққа эришдилар. «Муқимий», «Зарафшон», «Уринбой ҳож», «Қодир ота» фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 50 центнердан юқори бўлди.

Шуниси диққатга сазоворки, бу йил ҳосилдорлик ҳам кўтирилгандан зиёд бўлди. Чунки, туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 46,5 центнерданга тўғри келмоқда. Айрим хўжалиklarнинг галлакорлари бунданда юқори натижага эришдилар. Масалан, «Дўстлик», Навоий номли, «Гулзоробод», «Эшонобод» ва Амир Темуր номли ширкат хўжаликларида гектаридан 50-54 центнердан хирмон кўтарилди.

Чинозликлар уруғлик тайёрлаш режасини ҳам бажариб қўйдилар. Ҳозиргача сараланган уруғлик галла 1470 тоннадан ошди.

Тошкент ва Зангиота туманлари ҳам давлат эҳтиёжлари учун дон тайёрлаш режасини вилоятда биринчилар қатори бажарди. Тошкент тумани галлакорлари қабул пунктларига кечгаги кунгача 5741 тонна дон топширдилар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

«КЕЙС»ЛАР ХИРМОНГА БАРАКА КИРИТЯПТИ

Зангиоталиklar тайёрлаган дон эса 6263 тоннадан ошди. Бу икки туманда ўртача ҳосилдорлик вилоят кўрсаткичидан юқори, яъни 45-46,7 центнерданга тўғри келаяпти.

Вилоятда энг кўп галла етиштирадиган Бекобод тумани давлатга дон сотиш шартнома режасини бажариш арафасида турибди. Бука ва Қуйичиқ туманлари ҳам дастлабки марра сари тобора яқинлашмоқда.

Айни кунларда вилоят гал-

лазорларида 355-360 та комбайн юксак умум билан ишлатилиб, кунга 3500-3600 гектар майдондаги галла ўриб-ячиб олинмоқда. Кечгаги кунгача 53 минг гектардан зиёд майдондаги дон ўриб-ячиб олинмоқда. 186 минг тонна дон тайёрланди. Урим-йғим қизгин давом этмоқда.

Абдусамал ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



СУРАТЛАРДА:
(юқорида) Тошкент туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалигининг тажрибали «Кейс» оператори Алберт Юсупов;
Чиноз туманидаги «Гулзоробод» хўжалиги бош пудратчиси Баҳром Умаров.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

ХАЛҚИМИЗ ҚУТҚУЛАРГА УЧМАЙДИ

Мана бир ярим ойдан ошдикки, жаҳондаги айрим матбуот нашрлари ва «овозларнинг уйдирмаси билан бошланган гап-сўзлар барҳам топмайпти. Бир томони бу бўҳтонларни халқимиз унутмайди ҳам.

Чунки, «тезкор» сарик матбуот вакиллари ўзлари кўриб, синчиклаб ўрганмаган воқеалар, гўёки кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликлар, тинч одамларнинг аёвсиз ўққа тутилганлиги ҳақидаги «фактлар»ни шоша-пиша тарқатишди. Тўғри, уларнинг ниятлари аввал бошдан ноҳил эди. Буни Анфим Хлизов ўзининг «Уйдирмалар тарқатишдан мақсад нима?» сарлавҳали мақолисида очик-ойдин исботлаб берди.

Халқимиз оқил, меҳнаткаш, ҳақ сўзга қадрлайди. Ноҳақликни ҳам рўй-рост баҳолайди. Ахир, ориятли, иродали халқимизнинг бўҳтон, уйдирма гаплар тарқатилган ҳолатларни тарифлаб айтган мақолини эсланг: «Ит хуради — қарвон ўтади».

Лекин ўзимиз ҳам ҳар доим оғох бўлишимиз керак. Айтмоқчиманки, турли-туман уйдирмачиларнинг «миш-миш»лари илдизини вақтида қирқиб ташламоқ керак.

Шу маънода мен мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, хусусан, газе-

тамиз саҳифаларида хорижнинг турли-туман «овоз»лари тарқатаётган уйдирмаларни, шулар асосида ўзича ўйиб-чатиб «фикр» билдираётган айрим «эксперт» ёки «дипломатлар»нинг хулосаларини бошиқлик билан чиппака чиқарувчи мақолалар пайдо бўлаётганлиги кўнгилларимизни тўлдирмоқда. Бу турли бўҳтонлар тарқатилишига шу тарика қарши турсак, ҳақиқий ҳолатларни ойдинлаштирувчи тўлақонли мақолалар қанчалик кўпроқ чоп этилса, ижтимоий муҳит шунчалик соғломлашади, уйдирмалар барҳам топиб боради.

Яна бир гап шуки, ота-она, маҳалла-қўй, қўни-

қўшиллар ҳам ҳар доим оғох бўлишини. Турли хил гап-сўзлар тарқатилаётган пайтларда асл воқеаларни айтиб, уйдирмачиларни тийиб қўйишди. Лекин, афсуски, биз ҳаминша ҳам шундай қилавермаймиз, «айти — қўйди-да», — деб лоқайд, бефарқ кетаверемиз. Натижада турли бўҳтонлар одамлар орасида оралашини қўймайди. Уларни йўқка чиқариш, уйдирмаларни барҳам топтириш учун ҳар биримиз иродамиз, идрокимизни ишга солайлик.

Абдулла УРИНБОВЕВ,
Зангиота туманидаги Оқунбобоев номли маҳалла оқсоқоли.

Бугун биз аждодларимиз қолдирган жаннатмакон ўлкани кўз қорачиқдек осраб, уни боғу гулзорга айлантириб, овод қилмоқдамиз. Ҳар бир жабҳани ривожлантириб, мамлакатни тараққий йўлига олиб чиқаямиз. Ёшларимиз илм чўққиларини эгилламоқда...

Олис йўлнинг машаққати бор деганларидек, бугун фаровонлик йўлидан бораётган Ўзбекистонга содир этилган экстремистик ҳужумларда ҳам кўриш мумкин. Андижонда содир этилган сўнги террористик ҳаракатлар, айниқса, бу воқеаларнинг айрим давлатлар, сийсий гуруҳлар томонидан нотўғри талқин этилиши

СОХТА ОБРҮ КИМГА КЕРАК?

барчасидан ўтиб тушмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бу можароларга олдидан пухта тайёргарлик қўрилган, режалар қатъий тузилган, мақсад эса Ўзбекистондаги конституцион тўзумини агадрилиш бўлган. Ҳўш, бу аниқ ва лўнда хулосани ким инкор эта олади?

Ўзбекистонда мавжуд иқтисодий-ижтимоий муаммоларни рўқай қилиб, Андижон воқеаларини ўзлари хоҳлаганча талқин қилаётган айрим чет эл оммавий ахборот воситаларининг мақсади эса сохта обрў тартиришдир. Бироқ, бир давлатнинг номини «қора» қилиб ортирилган обрў эртага ўзлари учун

қимматга тушишини наҳотки билмайдилар? Дунёга «якка ҳукмрон» бўлиш орсусидаги айрим ривожланган давлатларнинг юртимиздаги воқеаларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиб, ўзларини тинчликпарвар, халқпарвар қилиб кўрсатаётгани шунчаки ўйиндир. Бундан мақсад нима, ўзларининг пуч режаларини амалга ошириши? Аммо, умумтасмаларки, Ўзбекистоннинг ўз ҳуқуқати, ўз раҳбари, қолаверса, меҳнаткаш, жонқуяр халқи бор. Улар бу заминни қимлағадир сўқости қилдириб қўймайди.

Ўзбекистон бошига тушган оғир кунларда ўзгаларнинг бунга бўлган муносабатларида «дўстман» деб юрганларнинг ҳақиқий башараси кўриниб қолди. Халқимиз ўзига қим дўсту, ким душман эканлигини яқол ажратиб олди.

Бу кунлар ўтади, можаролар барҳам топади, гангиллар гингшйивёрлади, аммо, биз ўз танлаган йўлимиздан қайтмаймиз.

Баҳром ЖАЛОЛХЎЖАЕВ,
Тошкент ҳарбий округи прокуратурасининг катта терговчиси.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2004» танлови ғолибларини эълон қилади:

Танлов ғолиблари:

Озод ШАРАФИДДИНОВ, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, Ижтимоий-сиёсий мавзудаги публицистик мақолалар туркуми учун

Омирбой ЕСБЕРГЕНОВ, Қорақалпоғистон телевидение-си спорт шарҳловчиси, Спорт мавзудаги «Ким эгчил, ким чакқон?», «Чакқонлик спорт майдони» телекурсувчилари учун

Тоҳир НОРКУЛОВ, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомуҳбири, Республикада ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислохотларни амалга оширишда замонашарикимиз ҳаётини акс эттирувчи фотосуратлар туркуми учун

Хамид НОРКУЛОВ, Ўрта-чирик тумани «Машъал» газетаси муҳаррири, Долзарб мавзудаги муаммоли-таҳлилий мақолалар учун

Мазруф ОТАХОНОВ, «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири, Буюк алломалар ҳаёти ҳамда маданий-маърифий туркумдаги мақолалар учун

Наталья ШАКИРОВА, «Правда Востока» газетаси ўз муҳбири, Ижтимоий-сиёсий ислохотлар самараси ва муаммолар ечимига бағишланган мақолалари учун

Куйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:

Перхан АЛЛАМБЕРГЕНОВА, «Ёшлар» радиоканали «Камолот» муҳарририяти катта му-

харрири
Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси МХХ чегара кўшинлари матбуот маркази бошлиғи
Ғайрат БОБОКУЛОВ, «Паст Даргом» газетаси муҳаррири ўринбосари
Малик Бой МУХАММАД, «Хамрох» хусусий газетаси масъул муҳаррири
Сайди УМИРОВ, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси
Татьяна ХЛЯКИНА, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Тошкент» телеканали катта муҳаррири

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўплатиш ва қўллаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони иқросини тасминлаш, аёлларнинг нуфузини, уларнинг жамият ҳаётида туган ўрини ни муостаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг юртимизда кечатган демократик жараёнларда иштирокини кўчатириш, аёл зотини эъзоллаш ва улғулаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкорлар ўртасида

«АЁЛ ОМОН БЎЛСА...»

номли хотин-қизлар ҳаёти, ижоди, фаолияти, муаммолари, Ватанимиз равнақи йўлида қилинган ишлар ҳақида матбуот саҳифаларида ёритилган энг яхши мақола, телекурсув, лавха, радиоэшиттириш ва фотокўргазмалар кўрик-танловини эълон қилган эди.

Мазкур танловга Ўзбекистон аёлларининг ҳаёти, оруз ва интилишлари, ижодий зафарлари, тадбиркорлик, фан, адабиёт, таълим, санъат ва бошқа турли соҳаларда меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз ҳақидаги мақолалар, лавхалар, фотокўргазмалар, курсатув ва радиоэшиттиришлар тақдим этилди.

Танлов республикамизнинг

барча ҳудудларида ўтказилди. Тошкентда ижодий ишлар юртимизда аёлларга бўлган ҳурмат ва эҳтиром юксаклиги, жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни ва роли бекиёс эканлигини кўрсатди. Барча номинациялар бўйича топширилган ишларни ҳаёбат аъзолари кўриб чиқиб, куйидагиларни танлов ғолиби деб эълон қилди.

«Энг яхши мақола» номинацияси бўйича Муқаддас (Солиҳ кизи) Абдусаматова – «Оналик бахти» рисоласи ва аёлларга бағишланган туркум мақолалари учун;
«Энг яхши фоторепортаж» номинацияси бўйича «Маърифат» газетасининг фотомуҳбири Бурхон Ризоқуллов кишлоқ аёл ўқитувчиларига бағишланган туркум суратлари учун;

«Энг яхши радиоэшиттириш» номинацияси бўйича «Ёшлар» радиосининг туркум раҳбари Муқаддас Халилова «Аёл ва жамият» радиоэшиттириши учун;
«Энг яхши телекурсув» номинацияси бўйича «Ўзтеле-радиокомпанияси» «Маънавий» студияси муҳбири Нафиса Зоҳидова республикамизнинг фаол, зиббӣ аёллари ҳақидаги «Зийнат» туркум курсатувлари учун;

«Энг яхши радиолавха» номинацияси бўйича «Машъал» радиосининг муҳбири Олимажон Ҳамроева Тошкент шаҳри хотин-қизлар колониясида тайёрлаган радиолавхалари учун сазовор бўлди.

Тақдим этилган барча ишлар кўриб чиқилиб, ишларнинг салоҳияти, иштирокининг тарғиб фаолияти ва ижодкорларнинг серкираллиги инобатга олиниб;
«Энг фаол танлов иштирокчиси» номинацияси бўйича Жаҳонгир Абубакиров;
«Энг изланувчан ижодкор» номинацияси бўйича Муборак Юнусжӯяева;
«Серкира ижодкор» номинацияси бўйича Ўзбекистон радиосининг муҳбири Нилуфар Пулатовани Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирлашга қарор қилинди.



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси эълон қилган «Йилнинг энг фаол журналисти – 2004» танлови ғолиблари орасида ҳамкасбимиз, Ўрта-чирик тумани «Машъал» газетаси муҳаррири Хамид Норкулов ҳам бор. У долзарб мавзулардаги туркум муаммоли-таҳлилий мақолалари учун шу мукофотга сазовор бўлди.

Ҳамма гап ўзимизда

Оиладаги муҳитга эътибор берган одам ота-онанинг «Сен, кулоқсиз бола, қачонгача мени куйдирасан?» деган қойинишларини эшитиб қолади. Гарчи бу сўзлар қарғиш бўлмас ҳам, ота-онанинг асаб томирларининг чирт-чирт узилишига сабаб бўладиган гап.

Андижон воқеаларига алоқадор ёшларнинг кечирим сўраганиларини, ота-онанинг тавба-тазарруларини телевидение орқали кўриб турибмиз.

«Кечирим сўрайман...» Каранги, раҳмидил халқимиз, эгилган бошни қилич кесмаслигини биламиз. Лекин бир нарсани ўйлаб қўраймиз. Бу «кулоқсиз болалар» қаердан пайдо бўлапти, ўзи? Нега ёнида турган боласининг юриш-туришида ўзгариш бўлмайди? Ҳамма қорин дардида маънавиятни унутиб қўйдими?

Гап маънавият ҳақида кетар экан, бу борада ўз мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Нима кўп, маънавият ҳақида ўтади-ган тадбирлар кўп, нима кўп берилдиган насихат кўп. Лекин биз улари кимга айтаямиз, бизни ким тинглапти? Буёғига аник жавоб йўқ.

Яқинда маҳаллаларнинг бирида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унга асосан мактаб ўқувчилари ташриф буюришибди (тўғрироғи, мактаб директорига топшириқ берилган...). Билардимки, шу маҳаллада йўлдан адашганларнинг 3-4 нафари яшар эди. Уларнинг бири амнистия эгилган бўлса, бири кечиртирилган, бири оғохланган. Уларни қақриб, ёшлар олдида сўзга чиқариш керак деган тақдирнинг ташкилотчиларга айтдим. Ёқмади, хуллас тадбир номигагина ўтди.

Ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани эсласам, ҳамон юртим титрайди.

Шундай тадбирларнинг бирида террористик гуруҳлар сафида халок бўлган ўғилнинг онаси сўзга чиқиб, бутун зални йиғлатди десам ишонинг ўғилнинг бу гафлат йўлга қандай кириб қолганини англамай, фарзанд доғида куйиб адо бўлган она-изорнинг аламли гаплари юрак-юракни тешиб юборди.

лардан кам қилмадим. Икки дунёси куйган ёмонлар боламини йўлдан оздирди. Ўзларига қўшиб уни ҳам лаянатга бўлғаб кетишди. Жон болаларим, ким нима деса ишонаверманлар, юр деса кетаверманлар, кулоқсиз бола бўлманлар!

Ўғлидан айрилган бу онаизорнинг юрак нидолари йиғилганларнинг юрагида юртга, элга қўл кўтаришга қарши нафрат ўтини ёққани шубҳасиз.

Тўғри, мен бу билан ҳамма учрашув шундай ташкил этилиши керак демокчи эмасман. Лекин ҳар бир учрашув, ҳар бир тадбирни ўтказишда унинг таъсирчанлигини оширадиган нимадир қилиш керак. Масалан, бу борада бахс, мунозарога кўпроқ ўрин бериш керак. Шундай бўладик, ҳамма йиғилади, келганлардан уч-тўрттаси чиқиб гапирди, савол борми-йўқ дейди, ҳамма тарқалади. Кимнинг ҳаёлида нимадир қолди, кимдир нима бўлганлигини кўнага чиққандаёқ эсидан қақриб қўйди. Хуллас, тадбир ўтди, дафтарга қайд этилди, ҳисоботга киритилди. Натيجаси-чи...

Яна бир фикр. Биз тадбир ўтказишнинг бир усулини биламиз. Залга ҳамма йиғамиз, гапирдиганларга сўз берамиз, қарсақлар чаламиз. Ташкил жараёни шундай. Ҳўш, нега бир жойга келганлардан кейин маҳалладаги бирон оилага бориб (оқсоқол билан маслаҳатлашиб) суҳбат ўтказмаймиз, нега оила муҳитига кириб бормаймиз? Қайси хонадон уйига келган меҳмоннинг кўкрагидан итарайди? Ёки нега келдиган деб сўрайди? Мана шундагина ҳамма-

нинг юрагига етиб борамиз, айтилиши керак бўлган гапни эшитиш керак бўлган одамга тўғри етказамиз.

Ёшлар тарбияси ҳақида турли фикрлар билдирилатганлиги рост. Минг афсуски, кишлоқ ёшлари ўртасида маънавий-маърифий ишлар кўнгилдагидек эмас. Яширишнинг ҳолати йўқ, кишлоқда спортга қизиқиш ортди, ёшларнинг ўзи турли мусобақалар, турнирлар ўтказишга астойдил киришилди. Бу ишларга ёшларнинг ичидан кўплай фидойилар етишиб чиқмоқда. Уларга биров мажбурият юклагани йўқ, ҳаммаси чин юракдан, қизиқиш туфайли. Лекин кишлоқларда маданий-маърифий ишларни йўлга қўядиган фидойилар бармоқ билан санарли. Қишлоқларда мавжуд бўлган зиё масканлари — кутубхоналар эса бир аҳволда, клублар эса шип-шыйдам. Кишлоқ ёшларида ахборот оладиган бир манба — телевизор. Газета-журналлар эса ҳамма хонадонга бормайди.

Икки минг аҳолиси бўлган бир маҳалла бор-йўғи 8 та газета: 4 та туман газетаси, 2 та вилоят ва 2 та республика газетасини олар экан. Маҳаллада эса 300 дан ортик хонадон бор. Ёмон наятли, фикри бузуқ ва эгри қадамлар бундай шароитда ёшларни ўзларига жуда тез оғдириб оладилар. Шунинг учун ҳам маънавият ҳақида қанча кўп гапирмайлик, турли-туман тақдирлар бермайлик, амалий ишга ўтмагунимизча натижа самарали бўлмайди.

«Кулоқсиз болалар». Ота-онани додлатган, элнинг қарғишига учраган бу болалар сиз билан бизнинг болаларимиз! Этининг бир жойини кесса жонинг оғрийдими. Унинг давосини эса ўзимиз биламиз. Демак, ҳамма гап ўзимизда!

Ҳамид НОРКУЛОВ.

САРҲАДЛАРИМИЗ ИШОНЧЛИ КЎЛЛАРДА

Миллий хавфсизлик хизмати чегара кўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳи Келес чегара туманида 8-«Ватан» чегара постининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Республика Миллий хавфсизлик хизмати чегара кўшинлари кўмондони генерал-майор Илхом Иброҳимов янги чегара постини очиб деб эълон қилиб, иштирокчиларни қизғин қўллади.

Тадбирда Республика Миллий хавфсизлик хизмати чегара кўшинлари фахрийлар уюшмасининг раиси Р. Султонов, чегара кўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳининг бошлиғи Р. Курбанов, шунингдек, вилоят ҳокимлиги, божжона бошқармаси ва бошқа дахлдор ташкилот ҳамда бошқарма вакиллари сўзга чиқиб, юртимиздаги оқошталликни химоя қилиб келаётган посбонларнинг шарафли хизматларини эътироф этиб, улар учун яратилаётган қулайлик ва шароитлар хусусида тўхталиб ўтти.

Шу кунги давлат чегараларини химоялаш ва қўриқлашда жанговар хизмат вакиллари билан аҳоли бажарганлиги учун бир гуруҳ офицер ва оддий аскарларга фахрий ёрлик, эсдалик ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, ўз хизматларини шараф билан ўтаётган бир гуруҳ офицер ва оддий аскарлар «II дараж» чегара кўшинлари аълочиси» кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Тадбир иштирокчилари янги ташкил этилган чегара постида яратилган шарт-шароитлар билан танишишди. Замонавий услубда барпо этилган ушбу бинода улар учун маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш хоналари, ётоқхона ва бошқа хоналар мўжассам. Тарбиявий ишлар хонаси эса, замонавий компьютер ва мурола учун керакли адабиётлар жавони билан жиҳозланган. Аскарларнинг кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун рангли телевизор, магнитофон ва бошқа шароитлар яратилган.

Тадбир сўнгиде йиғилганларга катта концерт дастури намойиш этилди.

Ҳасанбой САЎДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

КАТТАЛАР БИЛАН ИШЛАЙ БИЛАСИЗМИ?

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан турли дастурлар доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда. «Оилавий таълим дастури» ҳам биргаликда амалга оширилаётган ишлар сирасига киради.

Ушбу дастур бандларига асосан жойларда «Оилавий таълим дастури» марказларини очиб ва улар фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Янгийул туманидаги 1-болалар боғчасида ушбу марказнинг ташкил этилганига роҳат бериб йил бўлди. Яқинда бу ерда «Катталар билан ишлашда интрактив методларнинг қўлланиши» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Тадбирда туман хотин-қизлар кўмитаси вакиллари, маҳалла маслаҳатчилари, умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ҳамда боғча тарбиячилари иштирок этишди.

Феруза ТЎРАЕВА.

«ЎЗБЕК ПАЗАНДАЛИК САНЪАТИ»

Тошкентда Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нашриёти томонидан ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган «Ўзбек пазандалик санъати» китобининг тақдимот маросими ўтказилди. Маълумки, ўзбек пазандалчилиги нафкат минтақамизда балки, жаҳонда ҳам довг таратмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан нашр этилган «Ўзбек пазандалик санъати» китобидан миллий таомларнинг бир неча юзлаб турлари ўрин олган. Китобни тайёрлаш жараёнида тузувчилар мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлиб, у ердаги миллий таомларнинг тайёрлаши, тарихи билан яқиндан танишишган. 250 таомни ўзида мўжассамлаштирган китобда вилоятларнинг сўлим табиати, урф-одатлари, тўйлар ва удувлари ҳам киритилган.

Янгийул тумани маҳаллаларидаги диний-маърифий ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг яхши анъанаси бор. Улар ҳафталик ҳар шанба кунги туман ҳокимлиги биносига турли мавзуларда семинар ташкил этиб, ўзлари унинг иштирокчисига сийлашади.

Навбатдаги семинар «Соғлом турмуш – оила бахти» деб номланди. Унда Гулбаҳор санат касб-ҳунар коллежи ва туман марказий шифохонаси вакиллари оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшлар онгига тиббий маданиятни чуқурроқ синдириш, бу борада маслаҳатчилар ролини янада ошириш хусусида қизиқарли маърузалар қилишди. Шундан сўнг соғлом турмуш тарзи бўйича фаол иш олиб бораётган бир қатор маслаҳатчиларнинг тажрибаси муҳокама этилиб, йиғилганларга намуна сифатида кўрсатилди.

Шаҳноза РЎЗИЕВА.

СОҒЛОМ ТУРМУШ – ОИЛА БАХТИ

дан сўнг соғлом турмуш тарзи бўйича фаол иш олиб бораётган бир қатор маслаҳатчиларнинг тажрибаси муҳокама этилиб, йиғилганларга намуна сифатида кўрсатилди.

Шаҳноза РЎЗИЕВА.

ЗУККОЛАР СИНОВИ

лар бериб, ҳар хил жароҳатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмасини ўргатишди.

Давра суҳбати бу оғир ва асоратли касалликларга доир билимлар намойишига айланган «Қувноқлар ва

«Белдирсой» болалар оромгоҳида қизқарли давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни вилоят ОИТС маркази ва Қизил Ярм ой камитатининг вилоят бўлими мутахассислари ўтказишди.


Шифокорлар дам олувчиларга инсон ҳаёти офатлари — ОИТС ва гнѐх-вандлик, шунингдек, сил ва ўткир ичак касалликларидан сақланишга оид маслаҳат-

ҲАРАКАТГА ЯРАША БАРАКА

Ангрендаги «Сааноатқалинқоғозсавдо» очик акциядорлик жамияти ўзининг иқтисодий салоҳияти билан нафақат вилоятда, балки республикада етакчи ўрин эгаллайди. Буни жамият акциядорларининг бу йилги умумий йиғилишида келтирилган рақамларда ҳам кўриш мумкин.

Бирлашма йилни 540 миллион сўм соф фойда билан яқунлади. Унинг 25 фоизи хорижий ҳамкорлар ва акциядорлар улусига тўғри келди. 75 фоиз даромад йиғилиш қарори билан корхонанинг иқтисодий ривожланишига ажратилди.

Бу йилда корхонада 1 миллиард 800 миллион сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди. Юздан ортик янги иш ўринлари ташкил этилади. Шу тарзда корхона фаолияти ҳар тарафлама ривожлантирилади.



цехлар бўйича қозонхона цехи, шу қаторда қоровуллик хизмати бўлими ўз йўналишлари доирасида биринчи ўринларни эгаллади.

Жамият даромадларидан шаҳардаги хайрия ишларига ҳам салмоқли улш қўшилмоқда. Жумладан, бирлашма жойлашган Гулбоғ кўрғонининг бир қисми «Сувоқова» корхонаси билан ҳамкорликда тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Olamda gap? nima gap?

ЭРОННИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

ЭРОНДА президент сайловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Сайловда Техрон шаҳри ҳокими Маҳмуд Аҳмадий Наждо ғалаба қозонди. Уни сайловда қатнашганларнинг 61,9 фоизи кўллаб-қувватлаган.

САЙЁҲЛАР УЧУН ОҒОҲЛАНТИРИШ

ГРУЗИЯ Ташқи ишлар вазирлиги хорижий сайёҳларни Абхазияга сафардан тийиниб туришга чақирди. Вазирликнинг душанба кунги эълон қилинган баёнотида, гап Абхазияни қамал қилиш ҳақида бормадганлиги таъкидланган. Республика ҳукумати «Грузия қурортларида дам олишни истовчилар учун етарли шарт-шароит яратиб бериш борасидаги барча зарур чора-тадбирларни қўраётир», дейилади баёнотда.

АЧЕХГА ҚАЙТИШДИ

ИНДОНЕЗИЯ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочоқлар ишлари бўйича агентлиги (UNHCR)нинг Ачехга қайтишини илтимос қилди. Маълумки, мамлакатнинг ушбу вилояти ўтган йил 26 декабрда юз берган цунамидан катта талофат кўрганди. UNHCR ҳамда Ачехни тиклаш ва қайта бунёд этиш агентлиги ўртасида меморандум имзоланди.

ВАҚИДА СЎРАЛГАН УЗР

ИСРОИЛ «Иссас» агентлари деб тахмин қилинётган икки кишининг Янги Зеландия ҳудудидеги гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари учун ушбу мамлакатдан узр сўради. Исроил Ташқи ишлар вазирлиги Сильван Шалом Янги Зеландия ҳукумати номига расмий мактуб йўллаган. Исроилга қарши қўллана бошланган барча дипломатик чекловлар тулик бекор қилинди.

